



**QORAQALPOG'ISTON RESPUBLIKASI
QISHLOQ XO'JALIGI VAZIRLIGI**

BUYRUQ

2023-yil "28" fevral

2-sonli

Nukus shahri

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 27-iyuldagi "Tadbirkorlik sub'ektlarining huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risidagi PF-5490-sonli Farmoniga, O'zbekiston Respublikasining "Yer Kodeksi", O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 14-yanvar kungi 22-sonli Qarori bilan tasdiqlangan "Qishloq xo'jaligiga mo'ljallangan yerlar va ekin maydonlarida monitoring ishlarini amalga oshirish tartibi to'g'risidagi Nizom talablari va O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining "Qishloq xo'jaligiga mo'ljallangan yerlarni muhofaza qilish bo'yicha davlat nazoritini amalga oshirish tartibi to'g'risidagi Nizomining ijrosini ta'minlash maqsadida

BUYURAMAN:

1. O'zbekiston Respublikasi Qishloq xo'jaligi vazirligining 2023-yil 4-yanvardagi 04/26-3-sonli topshiriq xati ijro uchun qabul qilinsin.
2. Vazirlikning Qishloq xo'jaligi yerlarini muhofaza qilish bo'yicha davlat nazoritini amalga oshirish bo'limi yetakchi mutaxassisi **Xudoyorov Javlonbek Charshamboy o'g'li** (tel:93-718-18-92) hamda tegishli xodimlar bilan birgalikda **2023-yil 01-mart kundan 16-mart kunigacha** o'rganish o'tkazsinlar hamda to'plangan ma'lumotlarni O'zbekiston Respublikasi Qishloq xo'jaligi vazirligiga taqdim qilishning oxirgi kuni 2023-yil 17-mart kuni deb belgilansin.
3. Ushbu buyruqning bajarilishini nazorat qilishni vazirlikning Qishloq xo'jaligi yerlarini muhofaza qilish bo'yicha davlat nazoratini amalga oshirish bo'limi boshlig'i **A.Atabaev** (tel: 99-317-92-66) zimmasiga yuklatilsin.

Vazir

Z. Ziyadullayev

Kiritildi:

Vazirlikning qishloq xo'jaligi yerlarini muhofaza qilish bo'yicha davlat nazoratini amalga oshirish bo'limi boshlig'i

A. Atabaev

Kelishildi:

Vazirning birinchi o'rinbosari

F. Nurmuhammadov

Vazir o'rinbosari

E. Edenbaev

Bosh yuriskonsult

K. Otegov

Bosh hisobchi

A. Genjebaev

Buyruq bilan tanishdim

Қорақалпоғистон Республикаси
Қишлоқ хўжалиги вазири
З.Ф.Зиядуллаева

Қ-05
5-хўжалик
З.Ф.Зиядуллаева

БИЛДИРГИ

Ушбу билдирги орқали, Сиздан, қишлоқ хўжалигига мулжалланган ерлардан самарали фойдаланишни давлат томонидан назорат қилиш бўлими иш юритувида бўлган: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирининг жорий йил 4-январдаги №04/26-3-сонли хати, ҳамда ,Сизнинг, 2023 йил 28-февралдаги №2-а-сонли буйруғингиз ижросини таъминлаш мақсадида , кўрсатиб ўтилган важларни ўрганиб, қонуний чора кўриш учун (иш кўламнинг кўплиги сабабли) муддатини узайтириб беришингизни сўрайман.

Бўлим бошлиғи:



А.Атабаев

16.03.2023 йил



“ТАСДИҚЛАЙМАН”
ҚР қишлоқ хужалиги вазири

З.Ф.Зиядуллаев

2023 йил “24” февраль

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хужалиги вазининг 2023 йил 04 январдаги №04/26-3-сонли топширик-хати ва Ўзбекистон Республикаси Давлат Солик кумитаси хузуридаги Кадастр агентлигининг 2022 йил 19 декабрдаги №01-05-1052-сонли хати юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси туманлари худудидаги айрим чорвачиликка ихтисослашган чорва фермер хужаликлари ва маъсулияти чекланган жамиятларида Ўзбекистон Республикасининг “Ер Кодекси” ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 январдаги 22-сонли Қарори билан тасдиқланган “Қишлоқ хужалигига мулжалланган ерларни муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратини амалга ошириш тугрисида”ги Низом талаблари ижроси юзасидан ўтказиладиган урганиш

ДАСТУРИ

1. Урганиш мақсади:

Ўзбекистон Республикасининг “Ер Кодекси” ва Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 январдаги 22-сонли қарори билан Низом талабларининг ижроси.

2. ўрганиб чиқиладиган масалалар:

- ер ажратиш бўйича қарорлар мавжудлиги ва ер ижара шартномаси тузилганлиги ҳолатларини урганиш;
- қишлоқ хужалигига мулжалланган ерлардан белгиланган мақсадга мувофиқ фойдаланилаётганлигини ва ерларнинг ҳозирги пайтдаги аҳволини урганиш;
- қишлоқ хужалиги экинларини экишда қишлоқ хужалиги экинларини жойлаштириш режаларига амал қилган ҳолда экилиш ҳолатларини урганиш;
- мазкур субъектлар фойдаланишидаги ер майдонларининг ҳозирги пайтдаги ҳисобини контурма-контур олиш ва ер баланс ҳисоботига солиштиришув;

3. Урганиш ўтказишдан олдин урганиш мақсади билан таништириб, хизмат гувоҳномасини ва текширув ўтказиш ҳуқуқини берувчи махсус гувоҳномасини кўрсатиш.

4. урганиш ўтказишга асос бўлган ҳужжатлар (буйруқ, текширув дастури) нусхаларини тилхат олган ҳолда топшириш, “Текширувларни рўйхатга олиш китоби” ва электрон шаклдаги ёзувларни қайд этиш.

5. Тадбиркорлик субъекти раҳбарига (раҳбарнинг вазифасини бажарувчи шахсга) агар у аъзоси бўлса, Тадбиркорлик субъектлари бирлашмалари, Савдо-саноат палатаси вакиллари иштирок этишга жалб этиш ва (ёки) адвокатлар хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқини тушунтириш.

6. Урганилаётган тадбиркорлик субъекти тўғрисида маълумотлар (номи, манзили, фаолият тури, раҳбарлари ва ҳақозолар) олиш.

7. Урганишга тааллуқли масалалар юзасидан тадбиркорлик субъектининг раҳбарлик вазифаларини амалга ошираётган шахслардан ва бошқа моддий жавобгар ходимларидан тушунтиришлар олиш.

8. Урганиш натижаларини:

а) далолатнома билан (урганишда амалга оширилган ҳаракатларни баённомалар ва қарорлар билан) расмийлаштириш;

б) Ягона тизимга киритиш.

**Вазирлик кишлоқ хужалигига мулжалланган
ерларни муҳофаза қилиш буйича давлат
назоратини амалга ошириш бўлими
етакчи мутахассиси:**



Ж.Худоёров